XALQ DEPUTATLARI MARG'ILON SHAHAR KENGASHI

Q A R O R I

2021 - yil 27 - dekabr VI-43-49-11-168-K/21 Marg'ilon shahar hokimligi

Марғилон шаҳридаги аҳолиси кўп бўлган маҳалла фуқаролар йиғинларини бўлиш ҳамда янгидан ташкил топган маҳалла фуқаролар йиғинларига ном бериш ва уларни штат бирликлари билан таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонуни *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 41-сон, 448-модда, 35-сон, 914-модда)* ва "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда)*, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 48-сонли қарори *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 107-модда)*га асосан, "Надирмат" ва "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинлари кенгашларининг йиғилишлари баёнларини ҳамда географик объектларни номлаш бўйича шаҳар маҳаллий комиссияси йиғилиши баёнини кўриб чиқиб, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, уларнинг жойларда фуқароларнинг долзарб муаммоларини қисқа муддатли ҳал этилишини таъминлаш, секторлар ишларини ташкил қилишда маҳаллалар ролини ошириш мақсадида, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 24-моддалари *(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)*га асосан Халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Надирмат” ва “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғинлари кенгашларининг йиғилишларида ушбу маҳаллаларни ҳозирги кунда ахолиси 10 000 нафардан ошган ва уларга хизмат кўрсатиш қийинлашиб кетганлигини инобатга олиб бўлиш йўли билан янгидан маҳалла фуқаролар йиғинлари тузиш, уларнинг чегараларини белгилаш ва ном бериш тўғрисидаги таклифлари маъқулланганлиги инобатга олинсин.

2. “Надирмат” ва “Наврўз ”маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудуди ва аҳоли пунктларини бўлиниб, янгидан ташкил этилаётган маҳаллаларнинг чегаралари ва ҳудудларини қонунчиликда белгиланган тартибда иловага мувофиқ ташкил қилишга рухсат берилсин.

3. Фаолият кўрсатаётган “Надирмат” маҳалла фуқаролар йиғини номи аслича ўзгаришсиз, янгидан тузилган маҳаллага “Нурафшон” маҳалла фуқаролар йиғини, фаолият кўрсатаётган “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини номи аслича ўзгаришсиз, янгидан тузилган маҳаллага “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғини номлари бериш таклифи маъқуллансин.

4. Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Тўйчиев, шаҳар Молия бўлими (А.Мастонов)лар янгидан ташкил қилинаётган “Нурафшон” ва “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғинларига белгиланган тартибда тегишли штат бирликларини ажратиш ва уларни бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш, зарур моддий-техник база ва жиҳозлар билан таъминлаш бўйича аниқ таклифлар киритсинлар.

5. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи А.Рахмоновга “Давлат хизматлари маркази” ва ички ишлар бўлими билан биргаликда янги ташкил этилган “Нурафшон” ва “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғинларини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш, мухр ва штампларини тайёрлаб бериш вазифалари топширилсин.

6. Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Тўйчиев тижорат банклари билан биргаликда “Нурафшон” ва “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғинлари учун тегишли ҳисоб рақамлар очилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

7. Шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари А.Рахмонов, Б.Бозоров, Қурилиш

бўлими (А.Ғаниев), Кадастр агентлиги шаҳар филиали (Қ.Азизов) биргаликда янги ташкил этилган “Нурафшон” ва “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғинларини тегишли жой билан таъминлаш бўйича таклифлар киритсинлар.

8. Шаҳар ички ишлар бўлими (А.Ашуров)га янгидан ташкил қилинаётган “Нурафшон” ва “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғинларига профилактика инспекторларини бириктириш, янги тузилган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ҳудудида яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига, зарур ҳолларда, мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифалари топширилсин.

9. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи А.Рахмонов, Қурилиш бўлими (А.Ғаниев), Тасвирий ойна ижодий уюшмаси (Х.Холдоров)ларга янги ташкил этилган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига янги номи ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида ўрнатиш ишларини ташкил қилиш вазифалари топширилсин.

10. Шаҳар Статистика бўлими (Р.Каримова), Кадастр агентлиги шаҳар бўлими (П.Қўчқоров), Қурилиш бўлими (А.Ғаниев) тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда янгидан ташкил қилинган фуқаролар йиғинларини рўйхатдан ўтказилишини, аҳоли пунктларининг статистика кўрсаткичларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширилишини таъминласинлар.

11. Янгидан ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари мос равишда ҳудуд бўйича аввалдан тегишли бўлган, шаҳар кенгаши депутатлари, сектор раҳбарларига бириктирилган маҳаллалар рўйхатига киритилсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг Таълим, соғликни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий химоя бўйича доимий комиссия раиси З.Ғофурова ҳамда шаҳар ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи А.Рахмонов зиммаларига юклатилсин.

Марғилон шаҳар ҳокими **А.Зиявитдинов**

Халқ депутатлари Марғилон
шаҳар Кенгашининг
2021 йил 27 декабрдаги
VI-43-49-11-168-К/21-сон қарорига
1-илова

Халқ депутатлари Марғилон шаҳар

Кенгашининг 2021 йил 19
ноябрдаги

VI-43/2- сонли қарорига 1- илова

1. “Надирмат” МФЙ:

Надирмат МФЙнинг Ёйилма, Туягум ва Зухро МФЙ ҳамда Фарғона шаҳар билан чегарадош қисми ўзгармай қолдирилади.

Янги ташкил этилаётган МФЙ билан чегара темир йўли орқали ажратилади.

Бунда, темир йўли Надирмат МФЙдан ташқарида, У.Носир кўчасининг А.Яссавий кўчаси билан кесишмасидан кўприк (мост)гача қисми Надирмат МФЙ ҳудудидан ўтган ҳисобланади.

2. Янги ташкил этилаётган “Нурафшон” МФЙ:

Муқаддам Надирмат МФЙ таркиби ҳисобланган ҳудуднинг Қиргули МФЙ ҳамда Фарғона шаҳар билан чегарадош қисми ўзгармай қолдирилади.

Янги ташкил этилаётган МФЙ билан чегара темир йўли орқали ажратилади.

Бунда, темир йўли Нурафшон МФЙ ҳудудидан ўтган ҳисобланади.

3. “Наврўз” МФЙ:

Наврўз МФЙнинг Янги Марғилон шаҳарчаси томони, қўшни туман ва шаҳар билан чегарадош қисми ўзгармай қолдирилади. Шу билан бирга, “Йўлдош шаҳарча” қисми Наврўз МФЙ таркибида қолдирилади.

Янги ташкил этилаётган МФЙ билан чегара Хиёбон кўчаси автомобиль йўли ва айланма ҳаракат орқали ажратилади (бунда, Янги Марғилон кўчаси ҳам ушбу автомобиль йўли кесишмасидан иккита маҳаллага бўлинади).

Бунда, Хиёбон кўчаси автомобиль йўли ҳамда айланма ҳаракат Наврўз

МФЙ ҳудуди ҳисобланади.

4. “Юксалиш” МФЙ:

Муқаддам Наврўз МФЙ таркиби ҳисобланган ҳудуднинг Ариқ бўйи МФЙ ҳамда Фарғона тумани билан чегарадош қисми ўзгармай қолдирилади.

Янги ташкил этилаётган МФЙ билан чегара Хиёбон кўчасининг автомобь йўли ва айланма ҳаракат орқали ажратилади (бунда, Янги Марғилон кўчаси ҳам ушбу автомобиль йўли кесишмасидан иккита маҳаллага бўлинади).

Бунда, Хиёбон кўчасининг автомобиль йўл қисми Юксалиш МФЙ ҳудудидан ўтган ҳисобланмаган ҳолда, кўчанинг янги ташкил этилаётган МФЙ томонидани турар ва нотурар объектлар Хиёбон кўчасидан рақамланиши ўзгаришсиз қолдирилади.

№	Маҳалла номи	Янги маҳаллани номлаш бўйича таклифлар	Танланган ном
1.	“Надирмат” МФЙ	“Надирмат” маҳалла фуқаролар йиғини	Ўз номида қолади
		“Зиёрат”, “Аминдарё”, “Бободеҳқон”, “Нурафшон” номлари таклиф этилган	Тавсия этилган номлардан “Нурафшон” номи танланган
2.	“Наврўз” МФЙ	“Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини	Ўз номида қолади
		“Янги Ўзбекистон”, “Ниҳол”, “Юксалиш” номлари таклиф этилган	Тавсия этилган номлардан “Юксалиш” номи танланган